Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2011 йил 23 апрель, № 80 (5247) Шанба

БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 апрель куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Биз жаҳон цивилизациясига ўзининг бой тафаккури ва юксак маънавияти билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг маданий-маънавий, илмий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва янада бойитиш келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар қатори маънавий-маърифий жабҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш, буюк боболаримизнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизни шу асосда баркамол инсонлар этиб вояга етказиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Ислом Каримов Сурхондарё сафарини Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари натижасида улуғ бобомиз мангу қўним топган макон мутлақо янгича қиёфага эга бўлди. Боғ-роғлар барпо этилди, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

— Ҳаким Термизий каби буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг бой меросини ўрганиш халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий оламини бойитишда муҳим ўрин тутади, — деди Ислом Каримов. — Бу муқаддас қадамжони зиёрат қилган ҳар бир киши руҳан покланади. Бундай муборак жойларга тез-тез келиб туриш, зиёрат қилиш, Яратгандан юртимизга, халқимизга, фарзандларимизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилаш ҳар биримиз учун фарздир.

Юртбошимиз улуғ бобокалонларимизнинг меросини ўрганиш, уни ёшларимизга етказиш муҳим вазифа эканини таъкидлади. Зеро, бақувват илдизлардан қувват олган ниҳол гуркураб ривожланади. Аждодларимиз мероси ёшларимизни шу муқаддас замин тупроғини кўзга тўтиё айлашга, ўз халқи, ота-боболари, Ватанидан фахр туйиб яшашга ўргатади, улар юрагида тоғдек ғурур ва ифтихорни тарбиялайди. Ана шундай ёшлар аждодларимизнинг муқаддас номини асрлар силсиласидан безиён олиб ўтишга, истиқлол йилларида бошланган эзгу ва хайрли ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлади. Халқимизнинг, ёшларимизнинг бахти ва саодати шундаки, уларга синовларга бой мураккаб ҳаёт йўлида руҳан мадад берувчи улуғ боболаримиз кўп. Бундай толе ҳамма халқларга ҳам насиб этмаган.

— Бундай табаррук масканларга ёшларимизнинг зиёратларини тез-тез ташкил этиш лозим, — деди Президентимиз. — Бу ердаги муҳит фарзандларимизни боболаримизга яқинлаштиришга, улар меросини асраб-авайлаб яшашга ва ўзидан кейинги авлодларга бекаму кўст етказишга интилиб яшаш туйғуларини тарбиялашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов мажмуада амалга оширилган ишларни кўздан кечирар экан, бу ерда зиёратчилар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш, Сурхондарёнинг иссиқ иқлимига мос, яхши манзара берадиган дарахтлар кўчатларини кўпроқ экиш борасида тавсиялар берди.

Президентимиз Ислом Каримов Термиз туманидаги Шуҳрат Чоршанбиев раҳбарлик қилаётган "Ат-Термизий Намуна" фермер хўжалиги фаолияти билан танишди. Вилоят фермерлари билан суҳбатлашди.

Вилоятда бугун 5 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. "Ат-Термизий Намуна" фермер хўжалиги ўтган йили пахтанинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтарди, ғалланинг ҳар гектаридан 70 центнердан дон йиғиб олди. Хўжаликнинг даромади 106,6 миллион сўмни, соф фойдаси эса 26 миллион сўмни ташкил этди.

Жорий йил тажрибали фермер 50 сотих майдонда иссиқхона ташкил этиб, ўндан ортиқ кишини иш билан таъминлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида Ат-Термизий маҳалласида тикувчилик-бичувчилик цехини ишга туширди.

Давлатимиз раҳбари фермерлар билан суҳбатда ғалладан мўл ҳосил тўплаш, ғўза ривожи масалалари, мавсумда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим агротехника тадбирлари билан қизиқди.

(Давоми 2-бетда).

«ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Аввалдамбор, сизларни — нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари, олимлар, таҳлилчи ва экспертларни чин қалбимдан қутлаб, "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги илмий-амалий конференциядаги иштирокингиз учун самимий миннатдорлик туйғусини билдиришга рухсат этгайсиз.

Ўзбекистонда мазкур Концепциянинг қабул қилиниши биз бу йил йигирма йиллигини нишонлайдиган давлатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларимизнинг мантиқий ва қонуний давомидир.

Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки кунларидан ўзи учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, мамлакатимиз иқтисодиётни мафкурадан холи этиш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби беш тамойилга асосланган, "ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб четдан тиқиштирилган "шок терапияси" усулларини, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасаввурларни рад этиб, "Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг", "Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун", деган машҳур принципларга амал қилган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Ушбу қоидаларнинг жорий этилиши давлат ва конституциявий қурилишни поғонама-поғона, қадам-бақадам тубдан ўзгартириш ва янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чуқур демократик ислоҳотларни олиб бориш имконини берди.

Бу модель, ўзининг мазмун-моҳияти билан, бутун тараққиётимиз давомидаги оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, ҳар томонлама ҳаётийлигини намоён этди. Аввало, собиқ СССР тарқалиб кетганидан сўнг илгари шаклланган иқтисодий алоқаларнинг бутунлай издан чиқишининг оқибатларига барҳам бериш, иқтисодиётнинг ҳалокатли тарзда орқага кетиши, ишсизликнинг авж олишига йўл қўймаслик, қисқа муддатларда мустақил ҳокимият институтларини тузиш зарурати, ўша пайтдаги мураккаб вазиятнинг ўзи айнан шу моделни танлашни тақозо этди.

Биз турли жозибали даъватларга учмадик ва тадрижий, босқичма-босқич тараққиёт йўлини маъқул топиб, ҳар хил инқилобий моделлардан онгли равишда воз кечдик ва шу тариқа халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Мустақил тараққиётимизнинг ана шу йигирма йиллик даври давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилар эканмиз, биз танлаган модель, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси, унинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўп укладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айни вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди.

Улкан қийинчиликларга, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида биз енгиб ўтишга тўғри келган муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти ўтган 20 йил мобайнида қарийб 3,5 баробар ўсди, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошди.

Аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ўсди. Ушбу даромадларнинг 47 фоизи биз учун мутлақо янги бўлган мулк шаклларидан ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлардир.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳаси учун сарфлаган харажатлари, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 5 мартадан кўпроқ ошди, ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Шу даврда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3 баробар камайди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанинг 66 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шану шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 22 апрель

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА:

ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тошкентда 22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақидаги маърузасининг асосий қоидаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади.

Анжуманда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш, шунингдек, демократик мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасига оид долзарб масалалар муҳокама этилмоқда.

Конференцияда жаҳоннинг 40 га яқин мамлакатидан 200 нафардан зиёд хорижий олимлар, экспертлар ва жамоат арбоблари, шунингдек, БМТ, унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг ҳамда юртимиздаги фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакиллари, мамлакатимиз олимлари, мутахассислари ва Ўзбекистон парламенти аъзолари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг конференция қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ўқиб эшиттирди.

23 апрель куни "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Кеча Тошкентда "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади. "Халқ сўзи" мухбири анжуман иштирокчиларидан айримларининг Концепцияда илгари сурилган ғоялар, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларнинг аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Бинду ЛОҲАНИ, Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти:

— Мен Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Ҳар гал мамлакатингиз ҳаётида, одамлар турмушида туб ўзгаришлар юз бераётганини, ҳали-ҳануз охири кўринмаётган инқироз шароитида барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётганини кўриб, очиғи, ҳайратланаман. Дарҳақиқат, бундай барқарор юксалиш замирида, албатта, Президент Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга татбиқ этилаётган "ўзбек модели"нинг аҳамияти беқиёс. Бир мисол: агар ОТБ ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари 1995 йилда ўрнатилган бўлса, ўтган давр мобайнида давлатингиз ташкилот фаолиятида нафақат фаол иштирок этди, балки мустаҳкам ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий сиёсати туфайли ОТБнинг ишончли, конструктив ҳамкорига, шеригига айланди.

(Давоми 3-бетда).

«ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, яхши тушунамизки, мустақиллик йилларида амалга оширган барча ишларимиз биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли юксак мақсадга — ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган олис ва мураккаб йўлнинг фақат бир қисми, шу борадаги дастлабки қадамлар, холос.

Биз яшаётган глобаллашув асрида, биринчи навбатда, эришган натижалари билан кифояланмасдан, бугунги дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозонишини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Мантиқнинг ўзи, тараққиётимиз қонуниятлари, биз эришган марралар, биз ўз олдимизга қўяётган мақсад жамиятимизнинг изчил ривожланишига, мамлакатимизнинг нуфузига тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши мумкин бўлган ҳаволанишга, қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмасдан, демократик ислоҳотларни давом эттиришни талаб қилмоқда.

Фақат кенг миқёсдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, амалда ўзини тўла оқлаган моделга мувофиқ равишда давом эттириш давлат ва жамиятнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Бизнинг Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз айнан шу талаб билан боғлиқ бўлиб, бу Концепция, ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият ривожининг принципиал жиҳатдан янги босқичида мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бошлаган кенг кўламли ишларимизни янада изчил давом эттириш дастури ҳисобланади.

Бу борада биз амалий асосга эга бўлган ва ҳаётнинг ўзи исботлаб берган бир ҳақиқатга суянибтаяниб иш олиб бормоқдамиз. Яъни, сиёсий тизимни изчил демократлаштирмасдан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлиги ва сайлов тизими ривожини таъминламасдан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантирмасдан, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан туриб, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Ва бунда тадрижий тараққиётни, амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда узвийлик ва изчилликни таъминлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Баъзан учраб турадигандек, олиб борилаётган ислоҳотларнинг охирига етмасдан, юзаки ва палапартиш тус олиб, демократик жараёнларнинг қандайдир сохта кўринишига айланиб қолишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Демократия — бу, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бизнинг йўлимиздир.

Шуни тушуниб олиш керакки, Концепция жамиятда рўй бераётган кенг миқёсдаги ўзгаришларга доир барча масалаларни қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам унда асосий устувор йўналишлар белгилаб берилган, улардан, бизнинг назаримизда, ислоҳотларнинг қуйидаги йўналишлари принципиал аҳамиятга эгадир.

Бизнинг олдимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини изчил ва тизимли равишда амалга ошириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг, давлат ва жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишда ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган ислоҳотларни давом эттиришимиз зарур.

Концепцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган сиёсий партияларнинг Бош вазир номзоди бўйича таклиф киритиш ҳуқуқини, Бош вазирга ишончсизлик вотуми институтини жорий этишни назарда тутадиган ўзгартишлар киритилди. Парламентга мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳукумат раҳбари ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи берилган ва бошқа қатор принципиал янгиликларни киритиш кўзда тутилган. Шу тариқа ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларини янада чуқур ислоҳ қилиш, уларнинг мустақиллигини, мустақил иш юритиш қобилиятини кучайтириш, давлат ва сиёсий қурилиш тизимида парламентнинг роли ва аҳамиятини ошириш борасида қонунчилик асослари яратилмоқда. Конституциянинг мазкур янги қоидаларини босқичма-босқич жорий этиш ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган сиёсий, партияларарo рақобатни сезиларли даражада кучайтиришда сиёсий партияларнинг ролини тубдан ошириш учун шароит яратади.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш биз учун энг муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Концепцияга биноан, суднинг мустақиллигини таъминлаш, қонунчиликка судга қадар бўлган иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлаш, “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳаларини кенгайтиришга қаратилган тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича ишларни давом эттиришимиз даркор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари тизимида уларнинг фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлайдиган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратишимиз, айрим ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш йўли билан жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича бошқа қатор чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

Бизнинг олдимизда ахборот соҳасини демократик ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги вазифалар турибди. Демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва сайлов эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Концепцияга мувофиқ, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасига бозор механизмларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалалари диққатимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда яратилган мустақил, моҳият эътиборига кўра ноёб бўлган сайлов тизимини янада демократлаштириш, хусусан, сайлов жараёнларининг янада очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқотларини ўтказиш механизми, сайлов комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси олдимизда турибди. Бунда биз сайловлар — мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг демократик руҳини намоён этадиган энг муҳим масала, ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белги-аломати, халқ хоҳиш-иродасининг, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканидан келиб чиқамиз.

Фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш демократик ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, ҳеч муболағасиз, мамлакатимизни демократлаштириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликни, барқарорликни таъминлаш, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадларни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Келгусида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларимизни амалга ошириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолининг бошқа зарур эҳтиёжлари билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бизнинг олдимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар турибди.

Бугунги кунда биз чуқур таҳлиллар асосида 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган, ўзаро боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурни ишлаб чиқдик ва амалга оширишга киришдик. Бу дастурлар саноатни, инфратузилмаларни, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада ислоҳ этиш ва унинг барқарорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда қулай ишчан муҳит ва уни баҳолашнинг замонавий халқаро мезонларини шакллантиришни кўзда тутади.

Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши узоқ истиқболда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги босқичда ички эҳтиёжнинг ўсишига муҳим аҳамият қаратиш лозим. Чунки бундай ёндашув жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг изчил ривожланишини барқарорлаштириш ва рағбатлантиришнинг омили сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича амалга ошираётган барча ишларимизнинг энг муҳим натижаси халқимиз, аввало, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг ислоҳот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганида намоён бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ушбу анжуман иши давомида унинг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ишлаб чиқиладиган хулоса ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги бизнинг фаолиятимизда ўзининг амалий ифодасини топади, деб ишонаман.

Конференциянинг барча иштирокчиларига самарали иш олиб боришларини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят фермерлари 98 минг гектар майдонда воҳа иқлимига мос, тезпишар ғалла навларини парваришламоқда. Об-ҳаво ноқулай келган жорий йилда миришкорлар ғаллазорларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг самарасида далаларда буғдой бошоқлаб, мўл ҳосилга пухта замин яратилди.

Сурхондарёлик деҳқонлар 119 минг 600 гектар майдонга қадалган чигитни ҳам бир текис ундириб олди. Далалар биринчи культивациядан чиқарилди.

Деҳқонларимизда кўкламнинг бир куни йилга татийди, деган нақл бор, деди Юртбошимиз. Шу боис ғўза ривожи ва ҳосил тақдирида ҳал қилувчи айни шу паллада агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган деҳқон ютади. Деҳқончиликда аслида осон йил ёки қулай мавсумнинг ўзи бўлмайди. Аммо сув тақчиллиги кутилаётгани бу йил деҳқонларимиздан янада омилкорлик билан иш тутишни, сувдан оқилона фойдаланишни талаб қилади.

Ўтган йили вилоят фермерлари ғўза ривожи учун ернинг намлигини қочирган бўлса, жорий мавсумда тупроқдаги намликни сақлашга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун пушта олиб экиш, культивацияда экинга маҳаллий ўғит солишга эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз фермерлар билан учрашувда халқимизнинг фаровон яшаши, бозорларимизнинг тўкин-сочин, дастурхонларимиз баракали бўлишида уларнинг хизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлади. Муқаддас заминимиздан ризқу рўз ундираётган деҳқону соҳибкорларга давлатимиз бундан кейин ҳам ёрдам ва кўмак кўрсатаверишини қайд этди.

Яқин кунларда Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг “Баркамол авлод — 2011” спорт мусобақалари бўлади. Вилоят тарихида илк бор ўтказилаётган бундай йирик мусобақага сурхондарёликлар пухта ҳозирлик кўрмоқда. Ушбу спорт байрамига тайёргарлик доирасида Термиз давлат университети, шаҳардаги академик лицейлар, санъат, педагогика, олимпия захиралари коллежлари бинолари, “Дельфин” сузиш ҳавзаси, “Алпомиш” теннис корти ва кураш мажмуаси каби қатор бошқа иншоотлар тубдан таъмирланди.

Ислом Каримов Термиз шаҳрида барпо этилган “Сурхон” спорт мажмуини бориб кўрди.

Бу ерда 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадиий гимнастика ва қўл тўпи заллари қурилиб, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мажмуада футбол, қўл тўпи, енгил атлетика ва бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун барча қулайликлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда шуғулланаётган бадиий гимнастикачи қизлар, қўл тўпи устаси бўлишни ният қилган йигитлар билан суҳбатлашди.

Ўзбек йигит ва қизлари истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмас, деб таъкидлади Ислом Каримов. Уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, интилишларини қўллаб-қувватлаш доим эътиборимизда бўлмоғи лозим. Таълим-тарбия, маънавият, спорт ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларимиз ана шу мақсадга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари ёшларимиз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканликларини чуқур ҳис этиб яшаши, бор билим ва тафаккурини, маҳорат ва истеъдодини Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга, шуҳратига шуҳрат қўшишга йўналтириши лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз мажмуа билан танишар экан, лойиҳачи ва қурувчиларга уни янада такомиллаштириш юзасидан тавсия ва топшириқлар берди. Қурилиш ва пардозлаш ишларида илғор хорижий тажриба ва миллий меъморчилик анъаналаридан, замонавий дизайндан унумли фойдаланиш, ранглар уйғунлигига эътибор бериш даркорлигини қайд этди.

Юртбошимиз вилоят марказида барпо этилган “Бахт уйи” мажмуаси билан ҳам танишди.

Икки қаватли кўркам бинода ёшлар учун барча қулайликлар мавжуд. Бўлажак келин-куёвлар учун маросимларни ўтказиш ва банкет заллари, ошхона ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари фарзандларимиз ҳаётидаги энг бахтли воқеанинг ана шундай кўркам масканда ўтказилиши уларда унутилмас таассурот қолдиришини таъкидлади.

Инсон яхшилик учун, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, фарзандларининг бахту саодати учун доимо курашиб яшаши лозим. Ана шунда кўзланган юксак марраларга етади. Бизнинг халқимиз ана шундай эзгу ниятлар билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Бу ҳақиқат Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига сафари давомида яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат.

Президентимизнинг 2011 йил 6 апрелдаги қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб амалга ошириладиган “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори остидаги дастурга мувофиқ, аҳоли ўртасида шу йилнинг 25 апрелидан 25 майига қадар “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзуида ойлик эълон қилинди. Ушбу ойлик жараёнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режалаштирилган бўлиб, бунинг замирида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва пировардида ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек эзгу мақсад мужассамдир.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ойлик

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юқори даражада бўлиши демократик давлатнинг муҳим хусусиятидир. Айниқса, юртимизда амалга оширилаётган ҳозирги бозор ислоҳотлари жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва шу йўл билан уларнинг бу жараёндаги иштирокини кучайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу борада муҳим бир омилга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Гап шундаки, ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг жамият ва давлат бошқарувини ислоҳ қилишдаги ўрни ҳамда амалдаги ижроси билан белгиланади. Бунда одамларда қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий меъёрлар одамлар онги ва шууридан чуқур жой олиб, амалиётга тўлиқ татбиқ этилсагина, қонун амалда яшайди ва ундан кўзланган мақсадлар рўёбга чиқади.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида урғу бердилар. Жумладан, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши, бу борадаги ислоҳотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқлиги ҳамда юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғуси янада ортишига хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш лозимки, бу масала кеча ёки бугун кўтарилгани йўқ, балки истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу ислоҳотлар, ўз навбатида, фуқаролар ҳуқуқий онги, сиёсий маданиятини юксалтиришга замин яратиб, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини оширишга хизмат қилиб келаётир. Бунда, албатта, икки палатали парламент ислоҳотлари амалга оширилгани, сиёсий партиялар ролининг кенгайтирилгани, сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилгани, суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни 2009 йил декабрь ойида ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар натижалари, шунингдек, Президентимиз Концепциясида қайд этилганидек, фуқароларнинг судлар орқали ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўлами бутунлай ортгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотдан хабардор бўлишдан иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш, уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир.

Аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда таълим соҳаси имкониятларидан кенг фойдаланилаётганлигини ҳам айтиш жоиз. Хусусан, ёш авлод онгида қонун устуворлигини таъминлаш, йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастури моҳиятига сингдирилган. Бунда, айниқса, 1997 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури қўл келди. Мазкур ҳужжатда жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдор экани, давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиши белгилаб қўйилган. Зеро, ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартлари ҳажмида олиш имкониятини беришга қаратилгандир.

Хуллас, мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига давлат даражасида эътибор кўрсатиб келинмоқда. Мазкур ойлик бу борадаги ишларимизни янги босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, бизни ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадга янада яқинлаштиради. Шу маънода, ушбу ойликда барчанинг бирдек фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан амалий семинар ташкил этилди. Кичик бизнес корхоналари, жумладан, фермер хўжаликлари маҳсулотларини ташқи бозорларда сотишга оид ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Семинарда таъкидланганидек, қўмита фаолиятида Президентимиз Концепциясида белгилаб берилган демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича вазифаларни рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фермерлик ҳаракати қишлоқда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани шакллантиришда, замонавий технологияларни олиб киришда, қишлоқ хўжалигидаги туб ислоҳотларни амалга оширишда етакчи кучга айланди. Бунинг натижасида жойларда хом ашёни қайта ишлаш кўлами кенгайиб, экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортиб бормоқда. Муҳими, бундай ўзгаришлар мамлакатимиз аҳолисини қишлоқ хўжалиги, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашда қўл келаётир.

— Кейинги йилларда фермерлар томонидан қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорга сотиш сезиларли даражада ортгани қувонарлидир, — дейди қўмита раиси М. Тешабоев. — Мисол учун, 2010 йилда 173 минг тонна мева, 293 минг тонна сабзавот, 96,1 минг тонна узум, 65,9 минг тонна полиз, 33 минг тонна сут маҳсулотлари экспорт қилинди. Буларнинг барчаси соҳанинг имкониятлари кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Бундай ютуқларга эришишда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган “Ишлаб чиқариш — қайта ишлаш — сотиш” ягона занжирли тизимини тараққий топтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва Президентимизнинг 2006 йил 24 августда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни муддао бўлмоқда. Мазкур кўргазма-савдолар мамлакатимизда саноатчи фермерлар сонининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Қувонарлиси, бугун улар ташқи бозорларда ўз ўрнини топиб, нуфузли хорижий кўргазмаларда Ўзбекистон салоҳиятини намойиш этиб келаётир.

Тадбирда сўзга чиққанлар кичик бизнес ва фермер хўжаликларининг ташқи бозордаги иштирокини кенгайтириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Чунончи, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари томонидан маҳсулотларни хорижга чиқаришни белгиловчи ҳуқуқий нормаларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, шу турдаги маҳсулотларни ташқи бозорларда сотишга кўмаклашувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш, чекка ҳудудларда фаолият кўрсатаётган фермер ва тадбиркорларни экспортга оид ахборотлар билан таъминлашни кучайтириш юзасидан таклифлар айтилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Саиджон МАХСУМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Глобал инқироз шароитида, яъни 2008-2009 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этгани, айниқса, эътиборлидир. Сўнгги иқтисодий таҳлилларга кўра, бундай барқарор ва юқори суръатда ўсиш камдан-кам давлатлардагина кўзга ташланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов бошчилигида пухта ўйланган, чуқур таҳлил қилинган иқтисодий сиёсат олиб борилаётганидан далолатдир. Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шу маънода айтганда, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ушбу ютуқ ва марраларни мустаҳкамлашда, жамият ҳаётини янада либераллаштиришда, пировардида юртингизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиздир.

Офтоб ҚОЗИЙ, Жон Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари институти катта илмий ходими, профессор (АҚШ):

— Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Концепция нафақат Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун муҳим дастуриламал ҳужжат, балки халқаро микёсда илмий доиралар, сиёсатшуослар учун ниҳоятда қимматли манба ҳисобланади. Негаки, у давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилишга қаратилган ғоялар мажмуасидир. Концепцияда мустақиллик йилларида мамлакатингиз эришган ютуқлар чуқур таҳлил қилиниб, бугунги глобаллашув даврида Ўзбекистон учун устувор бўлган вазифалар белгилаб берилган. Шуни алоҳида қайд этишим керакки, Концепция қоидалари замирида Президент Ислом Каримов шахси билан боғлиқ хусусият, яъни реаллик ва прагматизм мужассам. Президент Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига табригида ҳам мазкур жиҳатлар янада мустаҳкамланган.

Мен кўп йиллар давомида Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар жараёнини кузатиб бораман. Концепция асосида Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти бошқарувини янада демократлаштириш, парламент, сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг ҳукуматни шакллантириш ва ижроия ҳокимият фаолияти устидан назорат олиб боришига замин яратади. Бу, айниқса, демократия ва замонавий давлатчилик тажрибаларига асослангани билан эътирофга сазовордир. Биргина мисол, ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилгани, айниқса, унинг ўзига хос жиҳатлари борлиги менда катта қизиқиш уйғотди. Концепциядаги давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга оид қонунчилик ташаббуслари бугун дунё ҳавас билан қараётган ютуқлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Сандор ЛЕЗСАК, Венгрия миллий ассамблеясининг вице-президенти:

— "Ўзбек модели"нинг асосини ташкил қиладиган "Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг" тамойили ўзининг ҳаётийлиги, вақт синовларидан ўтиб келаётган қадрият эканлиги билан дунё давлатчилиги назариясини бойитмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Чунки иқтисодий, сиёсий ва социал ислоҳотларни рўёбга чиқаришда турли хил сакрашлар, "шок терапияси" сингари бир йўла амалга ошириладиган чора-тадбирлардан воз кечилиб, жамият ва давлат ҳаёти учун муҳим бўлган ислоҳотларнинг бир маромда, бири иккинчисини тўлдирган ҳолда, узоқ муддатли стратегик дастурлар асосида рўёбга чиқарилгани бугун Ўзбекистон сиёсатини, таъбир жоиз бўлса, мактабини ўрганиш ва таҳлил қилишга ундамоқда.

Айниқса, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиққани глобал молиявий инқироз шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқларида ижобий ўсиш кўрсаткичларини таъминлади. Ваҳолонки, Венгрияда иқтисодий ислоҳотларнинг барчаси бозор қонуниятлари ва талаблари асосида рўёбга чиқарилгани инқироз даврида мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг мураккаблашишига сабаб бўлди. Биз бугун мана шу таназзулнинг қайта такрорланмаслиги учун давлатимиз иқтисодий платформасини, асосларини қайта кўриб чиқаяпмиз. Ўйлайманки, Венгрия учун бу борада Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш жуда қўл келади. Шу боисдан Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да баён қилинган таклифлар, уларни амалга ошириш механизмларини чуқур таҳлил қилаяпмиз.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ажай ПАТНАИК, Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет профессори (Ҳиндистон):

— Ушбу конференция илмий, сиёсий ва ишбилармон доиралар учун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқур таҳлил қилиш, бу борада ўзаро тажриба алмашишда катта аҳамиятга эга бўлган тадбирдир. Зеро, Концепцияда илгари сурилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга доир қонунчилик ташаббуслари ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини янада юксалтиради, унинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг мавқеини кучайтиради. Гарчи Ҳиндистон Ўзбекистонга нисбатан бирмунча олдинроқ мустақилликка эришган бўлса-да, мамлакатингизда парламентаризмни ривожлантириш бўйича илғор тамойиллар жорий этилганини кўриш мумкин. Мисол учун, амалдаги сайлов қонунчилигида сиёсий партиялар томонидан парламентга кўрсатилган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши белгилаб қўйилгани жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир. Қолаверса, парламент қуйи палатасида Экологик ҳаракат учун 15 та депутатлик ўрни ажратилгани ҳам биз учун янги тенденциядир. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар замирида хотин-қизларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, дунё жамоатчилигини ташвишлантираётган экологик масалаларда қарор қабул қилишга таъсир кўрсатувчи ихтисослашган депутатлар гуруҳи фаолиятининг йўлга қўйилгани истиқболда, албатта, катта самара беради.

Раманатан ТЕЙВЕНДРАН, Сингапур менежментни ривожлантириш институти бош котиби (Сингапур):

— Дунё молиявий-иқтисодий инқирози шуни исботладики, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши ҳамда аҳоли даромадлари муқимлигини таъминлашнинг муҳим шарти, бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга қулай ишчан муҳит яратишдир. Зеро, битта трансмиллий компаниянинг банкрот бўлиши бутун давлат иқтисодиёти учун салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хослиги, қолаверса, Ўзбекистон иқтисодиётининг молиявий таназзулдан жиддий талафотларсиз чиқишининг сири мана шу секторга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдадир. Конференцияда қилинган маърузаларга кўра, 1991 йилда кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши бор-йўғи 2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизга етиб, меҳнат билан банд аҳолининг 74 фоизи ушбу секторда ишлаётгани фикримизнинг яққол далилидир. Шунинг учун ҳам Концепцияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эмин-эркин фаолияти учун кенг имкониятлар эшикларини очишни кўзда тутадиган қонунчилик ташаббуслари кўзда тутилгани Президентингизнинг ушбу соҳага нечоғли катта эътибор қаратаётгани ифодасидир.

Сингапур дунёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига рухсат беришда энг содда тизимларни жорий қилган давлат ҳисобланади. Бугунги конференциядан фойдаланиб, мазкур тажрибамиз ҳақида ҳам атрофлича маълумот бердик. Ўйлайманки, бу Концепцияда кўзда тутилган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда айни муддао бўлади.

Антонио Алонсо МАРКОС, Сан-Пабло университети профессори (Испания):

— Давлат ва жамият ривожланиш асосларини кўп йиллардан бери ўрганиб келаман. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга татбиқ этилаётган Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, шунингдек, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид ғоя ва таклифлар кенг қамровли эканлиги, илмий, услубий изчил ҳамда пухта ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда уларнинг амалий аҳамияти ҳам катта. Концепцияда қайд этилган ҳамда фақатгина Ўзбекистон жамияти учун хос бўлган маҳалла институтини ривожлантириш, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликнинг, жамоатчилик назоратининг қонуний асосларини мустаҳкамлашга доир таклифлар жамиятда демократия тамойилларини қарор топтиришда қўл келади. Зеро, жамоатчилик назоратининг билвосита шакллари, аввало, фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятига доир ахборотни тўсиқсиз олишида, журналистик суриштирувларда, фуқароларнинг якка ёки жамоавий бўлиб у ёки бу масала бўйича давлат ҳокимияти органларига мурожаатларида, аҳолининг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали жамият ҳаётида иштирок этишида, қонунлар лойиҳаларини оммавий муҳокама қилишда, шунингдек, уларнинг жамоатчилик томонидан экспертиза қилинишида намоён бўлади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон хоҳиш-истаклари, саъй-ҳаракатлари эзгу мақсадларга қаратилганидан даракдир.

Христос КАЗАНТЗИС, Аристотель ва София университетлари профессори (Греция):

— Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримовнинг мазкур Концепциясида давлат ва жамият қурилишининг қатор йўналишларида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга доир энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилгани, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилганлиги, бу — мамлакатда демократиянинг бош талаби ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлмиш эркин сайловларга берилаётган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Чунончи, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича билдирилган қатор қонунчилик ташаббуслари жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида сайлов жараёнларини тобора либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлиши табиий. Шу маънода айтганда, мазкур конференция ушбу масалада фикр, тажриба алмашишда бизга қўл келмоқда.

Евгений БОЙКО, Сибир давлат хизмати академияси ректори (Россия):

— Мен Ўзбекистондаги сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнини мунтазам кузатиб бораман. Президент Ислом Каримов ҳар доим ўз маърузаларида такрор ва такрор Ўзбекистон демократиядан, унинг умумэътироф этилган тамойилларидан воз кечмайди, балки барча саъй-ҳаракатимизни "Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" тамойилини рўёбга чиқаришга қаратамиз, деб таъкидлайди.

Сўнгги йилларда "Хабеас корпус" институтининг жорий этилгани, ўлим жазосининг жиноят қонунчилигидан чиқарилгани мана шу фикрларнинг яққол исботидир. Концепцияда илгари сурилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга доир қонунчилик ташаббуслари замирида ҳам мазкур йўналишдаги вазифаларни рўёбга чиқариш мақсади мужассамдир. Чунончи, жиноят-процессуал қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилаётгани эътиборга моликдир. Бу жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтиради. Конференцияда бу борада ўзаро тажрибалар алмашилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилгани эътиборлидир.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

Up scaling of the Sulos IVRM approach with the World Bank
Республикаси Шифокорлар корпуси и IVRM схемасини со Жаҳон банки
СИМБ Шифокорлар Корпусини Жаҳон Банки билан шериклигида кенгайтириш

ВЕЛОСИПЕДЛАР ЗАМОРЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БУЙИЧА ТАНЛОВ ТАКЛИФНОМАСИ

Шифокорлар корпусини Республикаси ҳамда сўнгги ҳамкорлигини кенгайтириш лойиҳаси — II фазасига мувофиқ Жаҳон Банкининг Ўзбекистон Республикасидаги вакиллиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тендер ўтказади.

Лойиҳанинг мақсади — ишлаб чиқилаётган технологиялар, шунингдек, бошқарувнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, тиббий ходимлар учун фойдалилигини ошириш.

Аукцион талаблари

1. Лотлар бўйича таклиф 2011 йил 20 февралгача мавжуд бўлган ... 15.00 гача мурожаатлар ... ўтказилади.
   - ТТ-2011-01;
   - [illegible]
   - [illegible]
2. Ушбу бўлимга [illegible] — [illegible].
   Лотлар [illegible] ...
3. Лотлар бўйича таклиф [illegible] ... 2008 — 2011 йилларда [illegible] ... ишлаб чиқилган ... [illegible] ... ишлаб чиқилган ... [illegible] ... ишлаб чиқилган ...

Тошкентнинг баҳридилни очувчи ҳавоси, шарқироқ анҳорлари, мафтункор боғлари жонажон пойтахтимизни жаннатмонанд деб таърифлашга даъват этади. У Буюк Ипак йўли чорраҳасида бундан 2200 йил аввал бунёд бўлиб, жаҳон тамаддуни ривожига беқиёс ҳисса қўшди. Буюк ва мислсиз тарихини яратди. Бугун эса Истиқлол нуридан сайқал топиб, нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақанинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказига айланди. Шу билан бирга, у қудратли саноат ва транспорт коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполис сифатида шаклланди.

АЗИМ ТОШКЕНТ МАНЗАРАЛАРИ

Юртбошимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқида унинг замонавий қиёфаси хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: “Бу гўзал маскан шарқона қиёфа, анъанавий ва замонавий архитектура ҳамда ислом маданияти қадриятларини ноёб бир тарзда ўзаро уйғунлаштирган беқиёс шаҳардир. Бетакрор Тошкент — кўп миллатли халқимизнинг фахри, ғурури, тинчлик ва осойишталик ва барқарорлик тимсолидир”.

Дарҳақиқат, пойтахтимизга хос ана шу ноёб хусусият, айтиш лозимки, амалга оширилаётган ҳар бир эзгу ва хайрли ишларда асосий мезон сифатида кўзга ташланмоқда. Жонажон шаҳримизда қурилган замонавий бинолар, иншоотлар, барпо этилган боғу бўстонлар, овозаси етти иқлимга кетган бош майдонимиз, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, бизнес марказлар, муҳташам “Ёшлар ижод саройи”, мактаблару лицейлар, гузарлару бозорлар, янги тураржойларни, умуман, инсон манфаатларига, бахтли ҳаётига хизмат қиладиган беҳисоб янгиланишларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Мустақиллигимизнинг шонли йигирма йиллиги арафасида унинг кўркига кўрк бўлиб қўшилаётган оламшумул ўзгаришлар юз бераяптики, бу хусусда мароқ ва фахр билан ҳикоя қилмай бўлмайди.

Ойдин кўчалар

Юртимиз фаровонлиги аҳолининг турмуш даражаси кундан-кунга юксалишида намоён бўлмоқда. Ҳар бир оиланинг дастурхони тўкин, насибаси бутун. Энг асосийси, замонамиз тинч, ҳаётимиз осуда, жамиятимиз ривожи жадал. Эгнимиз бут, кўзимиз тўқ, орзуларимиз бисёр. Маълумотларга қараганда, биргина Тошкент шаҳри аҳолиси ҳар йили 20 мингта янги автомобиль сотиб олаяпти. Қолаверса, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида йилига бир неча юзлаб замонавий автобуслар қатновга қўйилмоқда. Агар шаҳримиздаги мавжуд автомобиль турларини ҳисоблаб чиқсак, уларнинг сони миллиондан ошиб кетса, ажаб эмас. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 январдаги “Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмаси объектларини реконструкция қилиш ва қуриш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги қарори асосида мажмуавий тадбирлар тасдиқланиб, амалга оширилаётгани, айниқса, қувонарлидир

Хўш, бу тадбирлар қайси йўналишларда акс этмоқда?

Авваламбор, биринчи босқичда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК томонидан қисқа муддатларда Муқимий кўчаси, Шота Руставели, Қушбеги, Кичик ҳалқа йўли кўчаларидан Тараққиёт кўчасигача 7,1 километрлик масофада трамвай йўли, электр тармоқлари, трансформатор нимстанциялари барпо этилди. 13-трамвай йўналиши Мирзо Улуғбек кўчасидан Тараққиёт кўчаси, Тошкент тиббиёт академияси, Кичик ҳалқа йўли, Туркистон кўчаси бўйлаб ва ўз йўналиши бўйича, 9-трамвайнинг эса Муқимий, Шота Руставели, Қушбеги, Сарикўл ҳамда Темир йўлчилар кўчалари бўйлаб ҳаракати тикланди.

Иккинчи босқичда Самарқанд дарвоза кўчасининг Оқтепа майдонигача бўлган 2,7 километрлик масофасида автомобиль йўли 30 метргача кенгайтирилиб, реконструкция қилиш, бу ерда трамвай йўли, Оқтепа майдони ёнидаги канал устига трамвай ҳаракати учун иккита кўприк ҳамда тегишли таъминот нимстанцияларини қуриш назарда тутилган. Ҳозир мазкур юмушлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Лойиҳанинг учинчи ва тўртинчи босқичлари ниҳоясига етгач, Чехияда ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги трамвайлар харид қилиниб, Тошкент атрофида қатнови йўлга қўйилади. Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Алимкент кўчасигача бўлган 2,5 километр масофадаги автомобиль йўли эса жаҳон стандартларига мос тарзда таъмирдан чиқарилади. Муҳими, шаҳар марказидаги Амир Темур шоҳкўчаси, Алишер Навоий, Шаҳрисабз, Шота Руставели, Миробод кўчалари янгича чирой очяапти. Трамвай линиялари демонтаж қилинганидан сўнг йўлларни асфальтлаш, транспорт ҳаракати ва йўловчилар ҳаракатини таъминлашга қаратилган жозибали дизайнга эга тўсиқларни ўрнатиш ишлари якунланмоқда.

“Тошкент кўчалари” деганда, бугун кўз олдимизга кенг, равон ва ойдин кўчалар келади. Бу ойдин кўчаларда кезган киши борки, дилида ажиб бир шукуҳни, ширин энтикишни, ҳаётга муҳаббат, яшаш ва яратишга кучли иштиёқни туяди. Унинг жамолидан севинади. Чунончи, шаҳримизнинг машҳур Навоий кўчаси эндиликда янада тароват касб этаётгани нақадар соз. Хусусан, Алишер Навоий кўчасида жойлашган савдо ярмаркаси авваллари тадбиркорларга ҳам, харидорларга ҳам анча-мунча ноқулайликларни туғдирарди. Ярмаркага келганлар шахсий автомобилини кўча четида қолдиришга мажбур эди. Савдо мажмуасидаги бинолар эса деярли талабга жавоб бермасди. Шу боис тадбиркорлар ҳамда аҳолининг таклиф ва истаклари инобатга олиниб, “Электроника дунёси” савдо дўконлари “Малика” трикотаж фабрикаси ёнида жойлашган янги манзилга кўчирилди. Аксарият тадбиркорларга барча зарур шарт-шароитга эга бўлган бир хил турғун савдо шохобчалари ажратиб берилди. Мазкур янги “Электроника дунёси” савдо мажмуасининг қурилиши Мустақиллик байрамининг 20 йиллиги арафасида тугалланиши режалаштирилган. Барча қулайликларга эга ушбу мажмуа атрофида 500 дан зиёд автоулов сиғадиган автотураргоҳ барпо этилади. Табиийки, бу харидорлар учун ҳам яна бир катта қулайликдир.

Бозор ободлиги – фаровонлик белгиси

Азим шаҳримиз бозорлари жаннатмонанд тупроғимизда қуёшдан нур эмиб етилган асалдан-да тотли нозу неъматлар армуғон этиладиган табаррук манзиллар сифатида эъзозда. Юртбошимиз доимо бозорларимиз ободлигига, унинг шарқона кўринишига, бекаму кўст шарт-шароитлар билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратиб келадилар. Шунданми, хоришлик сайёҳлару олий мартабали меҳмонлар юртимизга ташриф буюрганда, бозорларимиз маъмурлигидан, заминимиз саховатидан, тилни қамаштирадиган меваларимиз, нозу неъматларимиз таъмидан ҳайратга тушадилар. Олижаноб, саҳоҳатли, шунга яраша савдо-сотиққа қулай, ичи салқин, ён-вери кўкаламзорлаштирилган, фавворалар теварак-атрофга намхуш ҳаво таратади. Расталар ораста, тартиб-қоида жойида. Эътиборли томони, ҳар йили бозорларимизда аҳоли учун янгидан-янги қулайликлар яратишга қатъий бел боғланади.

Жумладан, айни кунларда шаҳримизнинг “Олой” ва “Фарҳод” деҳқон бозорларида ҳам кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, “Фарҳод деҳқон бозори” теварагида 720 автомашина сиғимига эга автотураргоҳ учун махсус жой ажратилиб, унинг атрофи кўкаламзорлаштирилаётир. Шунингдек, бозор ҳудудидаги яшил майдонларга жило берилиб, кенгайтирилмоқда. “Олой” бозори ОАЖ жамиятига қарашли “Буюм мажмуаси”, “Балиқ мажмуаси” ва бозор атрофида жойлашган хусусий турғун савдо дўконлари ўрнида ҳам 750 ўринли автотураргоҳ барпо этилаяпти. Қолган ер майдони эса кўкаламзорлаштирилиб, йўл ва йўлакларга асфальт ётқизилмоқда. Шу билан бирга, бозор ҳудудидаги 7-савдо шийпони остида 39 савдо ўрнига эга бўлган сут ва сут маҳсулотлари павильони, 45 ўринли гўшт савдо павильони, 32 ўринли гўштли маҳсулотлар павильони, 35 ўринли денгиз маҳсулотлари павильони, 17 ўринли балиқ маҳсулотлари павильонини қуриш, бозор ҳудудидаги ирригация тармоқларини капитал таъмирлаш режалаштирилган.



Шаҳар ичра мўъжаз шаҳарлар

Маҳалла бизнинг яшаш тарзимиз, одоб-ахлоқимиз, маънавиятимиз ва маданиятимиз ошёнидир. Шу боис маҳаллани шаҳарнинг мустаҳкам устуни, дейишади. Зотан, ўзбек маҳалласи деган атама жаҳонаро ўз аҳамияти ва нуфузига эга. Ўзбекистонда маҳаллага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Биргина мисол: 2010 йилда Тошкент маҳаллаларида 50 дан зиёд болалар майдончалари барпо этилган. 424 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик-коммуникация тизими, уйларга иссиқлик етказиб берувчи 18 та қозонхона, 34,4 километрлик иссиқлик суви, 14,7 километрлик газ қувурлари, 659 та кўп қаватли уйнинг ташқи кўринишида, 26 минг-та кириш йўлаги, 520 та лифт таъмирланган. Маҳаллалар кўчаларида 190 минг квадрат метрдан зиёд асфальт ётқизилган.

Бу йил эса яна бир хайрли ишга қўл урилди. Пойтахтимизда “Намунавий маҳалла” лойиҳаси асосида танлаб олинган 22 та маҳаллада улкан бунёдкорлик ишлари авжида.

— Маҳалламизга бир-икки ойдан кейин келсангиз, бахридилингиз очилади, – дейди Олмазор туманидаги “Нақшбандий” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иззат Даминов. — Ҳудудимизда 17 та кўп қаватли уй, 24 та коттеж мавжуд. 4 минг 300 киши истиқомат қилади. Шу кеча-кундузда маҳалламизда иш қизғин. Уйлар ва коттежларга олиб борадиган йўллар асфальт қилинди. Четига махсус тўсиқлар, ариқларга лотоклар ўрнатилди. Уйларнинг ташқи фасад томони таъмирланди. Ҳудудимизда 7 та болалар майдончаси, битта минифутбол ўйингоҳи, 5 та автотураргоҳни бунёд этиш ниҳоясига етказилмоқда. Кечамизни ойдин қилган замонавий тунги ёритқичлар туфайли ота-оналарнинг кўнгли хотиржам. Яна бир гап. Шундоқ биз томонга кираверишда жарлик бор эди. Бу ерда катта ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилиб, 3 та боғ барпо этилмоқда. Ҳозиргача мингдан зиёд кўчат экилди. Қараб туринг, яқин уч йилнинг нари-берисида бу ер шундай шинам боғ бўладики, асти қўяверинг.

Таъкидлаш керакки, лойиҳага киритилган 22 та маҳаллада ана шундай эзгу амаллар ўзининг қизғин палласига кирган. Таъбир жоиз бўлса, шаҳар ичида мўъжаз шаҳарчалар вужудга келаяпти.

11 миллион туп гул

Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даврида 302 минг туп манзарали, 220 минг туп мевали дарахт кўчатлари экилди. Манзарали дарахтларнинг эман, заранг, япон софораси, каштан каби турларига кўпроқ аҳамият берилган. Чунки бу дарахтлар атроф-муҳитдаги зарарли унсурларни ютиб, кўп миқдорда кислород ишлаб чиқаради. Барги кўп. Танаси мустаҳкам. “Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 тупдан кўчат — менинг туҳфам” шиори остида шаҳримиздаги корхона, муассаса, ташкилотлар ёрдамида умумий майдони 127,6 гектарлик 103 та боғ ташкил этилди. Уларга 150 мингдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Айни чоғда Тошкентда гул экиш мавсуми қизғин тус олган. Ҳозиргача 1 миллион тупдан зиёд гул шаҳримиз кўчаларига сайқал бериб турибди. Август ойининг охиригача яна 10 миллион 117 минг туп турфа, анвойи гуллар экилади.

— Пойтахтимизда 15500 гектар яшил майдон бор. Аниқроғи, шаҳримиз ҳудудининг қарийб ярми кўкаламзор, боғу бўстон жойлар. Бундай гўзал манзилда яшаш роҳату фароғат, — дейди шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг кўкаламзорлаштириш бўлими бошлиғи Б. Ортиқхўжаев. — Яқинда собиқ “Ташсельмаш” заводи ҳудуди ободонлаштирилиб, 27 гектарлик яшил майдонга айлантирилди. Бу ерда 15 минг туп дарахт кўчатлари ўтказилди. Тез орада Навоий кўчаси ёнидаги пастликда жойлашган майдонни ҳам кўкаламзорлаштириб, анвойи гуллару фойдали дарахтлардан иборат улкан боғ барпо қиламиз.

Жонажон пойтахтимизни қадимда “Тинчлик ва дўстлик шаҳри”, “Нон шаҳри”, кейинчалик “Шарқ дарвозаси”, дея таърифлашган. Истиқлол йилларида эса Тошкент буюк шаҳар мақомига етди. Зеро, тез орада Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги шарафига бўй таратиб, кўзни қувнатиб очиладиган 11 миллион туп турфа анвойи гуллару биз келгусида ҳикоя қилишни дилга туккан янги муҳташам бинолар, кўркам кошоналар, жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган стадионлар ва бошқа ҳайратомуз иншоотлар шану шавкати мамлакатимиз бўйлаб таралгусидир. Бунга ишончимиз комил.

Абдували ҚУТБИДДИНОВ,
шарҳловчи.

Бунёдкорлик

ТАЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНСЕРВАТОРИЯЛАР, КОЛЛЕЖЛАР, БАНКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ЭЪТИБОРИГА!

2010 – 2011 йилги йилида

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Бакалаврларнинг магистратура сирторидан ўқиши ва ишдан ажралмаган ҳолда ўқиши бўйича тўлов-контракт асосида қабул эълон қилади.

Ва ахборотномалар бериш ишлари давом этмоқда.

Тўлов шартлари

Тр	Таълим йўналишлари номи	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр
	Кундузги таълим																
1.	Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
2.	Касб таълими (телекоммуникация)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
3.	Иқтисодиёт (соҳа ва ахборотлаштириш)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
4.	Менежмент (соҳа ва ахборотлаштириш)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
5.	Информатика ва ахборот технологиялари	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
6.	Радиотехника	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
7.	Телекоммуникация, радиоалоқа ва радиоэшитиш тизимлари	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
8.	Телекоммуникация	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
9.	Ахборот хавфсизлиги	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
10.	Электрон тижорат	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
11.	Мобиль алоқа технологиялари	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
12.	Почта алоқаси	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
13.	Ахборот коммуникация	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
14.	Компьютер инжиниринг (соҳалар ва компьютер технологиялари)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
15.	Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
	Жами	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
	Кечқурун таълим																
1.	Касб-ҳунар (информатика ва ахборот технологиялари)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
2.	Телекоммуникация (соҳа ва ахборотлаштириш)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
3.	Иқтисодиёт (соҳа ва ахборотлаштириш)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
4.	Менежмент (соҳа ва ахборотлаштириш)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
5.	Компьютер инжиниринг ва технологиялари	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
6.	Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
7.	Мобиль алоқа технологиялари	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
8.	Криптография ва криптология	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
9.	Ахборот хавфсизлиги	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
10.	Радиоалоқа, радиотехника ва радиоэшитиш тизимлари	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
11.	Почта алоқаси	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
12.	Почта алоқаси ва бизнес технологиялари	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
13.	Электрон тижорат	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
	Жами	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
	ТАҲТ бўлими қисмида	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2011 йил 11 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилганлигини маълум қилади:

ЖИБ Тошкент шаҳар бўлимининг 2010 йил 28 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Мир Саид Барака кўчасида жойлашган 21-уйнинг 34/100 қисми. Ер 2 қаватдан иборат, қурилиш ости майдони — 351,11 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 291 962 475 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 1 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Мазкур мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги вакалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, мулк учун савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604480401001, МФО: 01030, СТИР: 206074208.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 3-уй, 2-қават. Телефон: (8-3664) 234-04-38.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедраси мудири, филология фанлари номзоди Кавсар Турдиевага падари бузруквори

ШЕРАЛИ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.10 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5